

**Имконияти чекланган шахсларнинг ҳолатини комплекс баҳолаш мақсадида
уй хўжаликлари танлама кузатувини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича
услугий Низом**

I. Умумий қоидалар

Имконияти чекланган шахсларнинг ҳолатини комплекс баҳолаш мақсадида уй хўжаликлари танлама кузатувини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича услубий Низом (кейинги ўринларда Низом деб аталади) Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Давлат статистикаси тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Мазкур Низом имконияти чекланган шахсларнинг ҳолатини комплекс баҳолаш мақсадида уй хўжаликлари танлама кузатувини ташкил қилиш тўғрисидаги маълумотларни шакллантиришда фойдаланиш учун мўлжалланган.

II. Асосий тушунча ва таърифлар

1. Ушбу услубий Низомда қуйидаги асосий тушунча ва таърифлардан фойдаланилади:

уй хўжалиги – маълум бир турар-жой манзилида бирга яшовчи, даромадларини тўлиқ ёки қисман бирлаштирган ҳолда умумий рўзғор юритувчи кишилар гуруҳи. Бунда, уй хўжалиги аъзолари ўртасида қариндошлик алоқалари бўлиши шарт эмас;

уй хўжалиги кузатуви саволномаси – кузатув давомида уй хўжалиги (шу жумладан, имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар) тўғрисида маълумот олиш мақсадида аниқ шакллантирилган саволлар рўйхатидан иборат бўлган, белгиланган тартибда тасдиқланган ҳужжат;

интервьюер – кузатув жараёнида танловга тушган уй хўжаликлари аъзолари (шу жумладан, имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахслар) билан савол-жавоб (интервью) ўтказадиган ҳудудий статистика бошқармаси ходими;

респондент – кузатув ўтказиладиган уй хўжалигининг интервью саволларига жавоб берадиган аъзоси. Респондент уй хўжалигининг имконияти чекланган, ногиронлиги бўлган аъзоси ёки уй хўжалиги тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлган бошқа аъзоси бўлиши мумкин;

ногиронлиги бўлган шахс – жамият ҳаётидаги ўзаро муносабатларда бошқа шахслар билан тенг равишда тўлиқ ва самарали иштирок этишига турли тўсиқлар билан халақит берувчи барқарор жисмоний, ақлий, интеллектуал ёки

ҳиссий нуқсонга эга ва тиббий-меҳнат эксперт комиссияси томонидан шундай деб тан олинган шахс;

имконияти чекланган шахс - жамият ҳаётидаги ўзаро муносабатларда бошқа шахслар билан тенг равишда тўлиқ ва самарали иштирок этишига турли тўсиқлар билан халақит берувчи барқарор жисмоний, ақлий, интеллектуал ёки ҳиссий нуқсонга эга шахс.

III. Имконияти чекланган шахсларнинг ҳолатини комплекс баҳолаш кўрсаткичларини шакллантиришнинг маълумот манбалари

2. Имконияти чекланган шахсларнинг ҳолатини комплекс баҳолаш мақсадида уй хўжаликлари танлама кузатуви кўрсаткичларини ҳисоблашда, Давлат статистика ишлари доирасида амалга ошириладиган уй хўжаликлари танлама кузатуви маълумотлари асос бўлиб ҳисобланади.

3. Уй хўжаликлари кузатуви Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида танлама усулда ўтказилади.

4. Кузатувлар танлаб олинган уй хўжалиklarининг унда ихтиёрийлик тамойиллари асосида иштирок этиши орқали ташкил этилади. Танловга тушган уй хўжалиklarида кузатув бир ой давомида ўтказилади ва шундан сўнг бошқасига алмаштирилади.

5. Кузатув уй хўжалиги аъзолари билан бевосита сўров (интервью) ўтказиш ва уй хўжалиklarида кундалик ёзувлар юритишга асосланади.

6. Уй хўжаликлари кузатуви Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида танлама усулда бир йилда 10000 та уй хўжалиklarида ўтказилади. Уй хўжалиklarида танлама кузатув ўтказиш услубияти Жаҳон Банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Европа Иқтисодий Комиссиясининг (БМТ ЕИК) тавсияларига асосланган. Мазкур кузатув асосида аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлиги ўрганилади. Шунингдек, кузатув натижалари аҳолининг даромадлари ва харажатлари, истеъмол даражаси ва нархлар индексини шакллантириш, миллий ҳисоблар тизимида уй хўжаликлари сектори ҳисобларини тузишда ва бошқа иқтисодий-статистик ҳисоб-китобларда фойдаланилади.

7. Ҳар бир алоҳида уй хўжалигида кузатув ўтказиш даврида уй хўжаликлари кузатуви саволномасини тўлдириш назарда тутилади.

IV. Имконияти чекланган шахсларнинг ҳолатини комплекс баҳолаш кўрсаткичларини аниқлаш тартиби

8. Кузатув натижалари бўйича олинган маълумотлар умумлаштирилади, ҳаёт фаолияти давомида ва соғлиғида чекланиш бўлган имконияти чекланган шахсларнинг жами уй хўжалиги аъзолари сонидаги улуши тўғрисидаги статистик

кўрсаткичлар Ўзбекистон Республикаси, шунингдек ҳудудлар кесимида, жинси ва ёши бўйича шакллантирилади.

9. Имконияти чекланган шахслар (уй хўжалиги аъзолари) улуши – кузатув ўтказилган уй хўжаликларидаги шахсларнинг умумий сонида имконияти чекланган шахслар сони.

Уй хўжаликлари аъзолари умумий сонида имконияти чекланган шахсларнинг улуши қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$Z_i = \frac{I}{H_d} * 100,$$

бу ерда: Z_i – имконияти чекланган шахслар улуши;

I – имконияти чекланган шахслар сони;

H_d – кузатув ўтказилган уй хўжаликлари аъзолари умумий сони.

10. Уй хўжалиги таркибида имконияти чекланган шахслар яшовчи уй хўжаликларининг кузатув ўтказилган уй хўжаликлари умумий сонидаги улуши қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$Z_{di} = \frac{D_i}{D_w} * 100,$$

бу ерда: Z_{di} – имконияти чекланган шахслар яшовчи уй хўжаликлари улуши;

D_i – имконияти чекланган шахслар уй хўжаликлари сони;

D_w – кузатув ўтказилган жами уй хўжаликлари сони.

11. Ҳаёт фаолияти давомида ва соғлиғида чекланишлар мавжуд бўлган шахслар (уй хўжалиги аъзолари улуши) - ҳаётининг фаолияти давомида ҳамда соғлиғида қуйидаги сабабларга кўра: кўриш, эшитиш, мулоқот қилиш, сўзлашиш, ҳаракатланиш, ўзини парвариш қилиш, фикрни жамлаш, билим ўрганиш ва тадбиқ этишда чекланиш (қийинчилик)га дуч келадиган шахсларнинг кузатув ўтказилган уй хўжаликларидаги шахслар умумий сонидаги улуши.

Уй хўжаликлари барча аъзоларининг тегишли гуруҳлари бўйича имконияти чекланган шахслар улуши қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$Z_i = \frac{I_{\text{(тегишли гуруҳлар)}}}{H_d} * 100,$$

бу ерда: Z_i – тегишли гуруҳлар бўйича имконияти чекланган шахслар улуши;

$I_{\text{(тегишли гуруҳлар)}}$ – тегишли гуруҳлар бўйича имконияти чекланган шахслар сони;

H_d – кузатув ўтказилган уй хўжаликларидаги шахслар сони.

Уй хўжаликларининг барча тегишли гуруҳлари бўйича таркибида имконияти чекланган шахслар яшовчи уй хўжаликлари улуши қуйидаги формула ёрдамида ҳисобланади:

$$Z_{di} = \frac{D_{i(\text{тегишли гуруҳлар})}}{D_w} * 100,$$

бу ерда: Z_{di} – имконияти чекланган шахслар яшовчи уй хўжаликлари улуши;

$D_{i(\text{тегишли гуруҳлар})}$ – имконияти чекланган шахслар яшовчи уй хўжаликлари сони;

D_w – кузатув ўтказилган уй хўжаликлари сони.

V. Якуний қоидалар

12. Имконияти чекланган шахсларнинг ҳолатини комплекс баҳолаш мақсадида уй хўжаликлари танлама кузатувини ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича статистик кўрсаткичлар статистика органлари томонидан Давлат статистика ишлари дастурига мувофиқ шакллантирилади.